ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 47-48 (179-180) | 2000 йил 5 июль, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

● ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР - ДЕМОКРАТИЯ ҚАЛҚОНИ

Демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бундай жамоат уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилишига кенг имконият берилиши билан биргаликда, унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида республикамиз Парламентида махсус қўмита ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси куни-кеча бир гуруҳ мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамкорлигида Наманган ва Бухоро вилоятларида бўлиб, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бажарилишини таҳлил этдилар.

Гап аввалида айтиш керакки, ҳозирда республикада фаолият кўрсатиб турган, Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони 287 тани, пойтахт шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари рўйхатидан ўтган ташкилотлар сони 2023 тани ташкил этади. Вилоятларда ташкил этилган нодавлат ташкилотлар бўйича тузилган жадвалга эътибор бериладиган бўлса, Наманган вилояти бешинчи ўринда, Бухоро вилояти эса ўнинчи ўринда турибди. Бошқача айтганда, водий вилоятида 185 та нодавлат-нотижорат ташкилоти ишлаб турган бўлса, Бухорода улар бор-йўғи 94 та. Лекин гап миқдорда эмас. Агар мазкур ташкилот-уюшмаларнинг жойларда амалга ошираётган ишлари салмоғига назар ташланса, кўнгил анча хотиржам бўлади. Масалан, «Бухорои Шариф» жамғармаси ҳамда «Ҳунарманд» уюшмаларининг Бухоро вилоятида амалга ошираётган тадбирлари таҳсинга лойиқ. Шаҳар иншоотларини қуриш, таъмирлашда улар бошқа ташкилотларга намуна бўлгудек. «Бухорои Шариф» жамғармаси 1998-1999 йилларда Имом ал-Бухорий ёдгорлигининг қурилиши учун 74 миллион 3000 минг сўм, «Хотира ва қадрлаш» майдонини таъмирлашга 9 миллион сўм маблағни хайрия қилди. «Чорбакр» меъморий мажмуининг дастлабки таъмири учун 68 миллион сўм ажратди. Вилоятда «қўли гул» бўлган ўнлаб устаҳунармандларни оталиққа олишди.

(Давоми 2-бетда.)

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

Истиқлол берган неъматлардан бири ўз ҳаёт тарзимизга мос бўлган маҳаллалар фаолиятининг қайта шаклланиши ва бу борада мамлакатимиз Президентининг бевосита бош-қошлигида амалга оширалаётган тадбирлардир.

Истиқлолнинг 9- йилини кутиб олишга шайланаётган кунларимизда биз унинг келажаги ҳақида ўйлаш имкониятига ҳам эгамиз.

2-саҳифада



Қорақалпоғистон

● ИСТИҚЛОЛНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА ТУҲФА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

АҲОЛИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ИЧАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги фармони экологик муаммолар зонасидаги Қорақалпоғистон республикасида изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Бу борада хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳам фаол қатнашаётгани характерлидир.

Нукус шаҳрининг шимолий ғарбида Амударё соҳилида жойлашган Қизкетген посёлкасида бир неча ўнлаб йирик саноат корхоналари, мактаблар, болалар боғчалари, даволаш муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари иш олиб боради. Бу ердаги 7 та макон кенгашларида 20 мингдан ортиқ аҳоли ишлайди. Қизкетгендаги энг долзарб ва ечимини кутаётган муаммолардан бири тоза ичимлик суви келтириш эди. Меҳнаткашларнинг шу эзгу орзусининг амалга ошишига ҳам саноқли вақт қолди. Чунки 7 километрлик марказий сув тармоғини «Туямўйин-Нукус-Тахтакўпир» водаводидан тортиб келтириш, ички сув йўлларини монтаж қилиш, 6 минг куб метр ҳажмдаги иккита сув сақлагичлари бўлган станциядаги қурилиш-монтаж ишларини жадал олиб боришда халқаро имтиёзли кредитлар маблағлари ҳисобига иккита хорижий компания юмуш қилаяпти. Улар Миср Араб республикасининг «Араб контактторс» ҳамда Голландиянинг «Модекс» компанияларидир. Мазкур компаниялар кучи билан сув станциясидаги барча қурилиш-монтаж ишларининг 90 фоизи бажарилди.

Аҳолини мамлакат мустақиллигининг шонли 9 йиллик байрами кунигача тоза ичимлик суви билан кафолатли равишда таъминлаш мақсадида маҳаллий бунёдкорлар ҳам жонбозлик кўрсатаётир. Жумладан, Қизкетген кўчма механизациялашган жамланма махсус бригадалари, нукус қурилиш-монтаж бошқармаси жамоалари қисқа муддатда 20 миллион сўмликдан ортиқ ҳажмдаги ишларни ўринлатишга улгурди. Энг муҳими, тажрибали қурувчиларимиз бажараётган ишлар хорижликларникидан асло қолишмайди.

Халқимизда: «Сув келтирган элда азиз», деган пурҳикмат ибора бор. Меҳнаткашларни тоза ичимлик суви билан тезроқ таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган бунёдкорларга биз ҳам «Сувдек азиз бўлинг!» деймиз.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

● МУНОСАБАТ

ФАЗИЛАТЛАР БЕШИГИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига берган жавоблари Наманган вилояти маҳаллаларида ҳам қизғин ўқиб-ўрганилмоқда.

Раҳимжон АКРАМОВ,
Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Бу мавзу шу йилнинг 6 апрелида Юртбошимизнинг Оқсарой қарорғоҳида маънавиятимиз намояндалари билан ўтказган йиғилишдаги фикрларининг бевосита давоми, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳар бир саволга Юртбошимиз томонидан берилган жавобларни ўқиб уқирканмиз, биринчи навбатда мен ўзим оддий фуқаро сифатида жамиятга қанчалик наф келтиришим мумкин, деган саволга жавоб қидира бошлаймиз.

«Маҳаллани-ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин» деган каломнинг ўзидаёқ олам-олам маъно мужассам. Ноёб инсоний фазилатларнинг бешиги, тарбиянинг том маънодаги замини бўлган маҳаллага жиддий эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Миллий мафкура масаласи кеча ё бугун кўтарилган масала эмас. Маҳаллалар аҳолиси орасида бўлиб ўтган суҳбат бу борада қатъий-амалий натижага эришишни тезлатишга жуда катта ижобий таъсир ўтказишига ишонаман.

ШУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

● XXI аср маҳалласи қандай бўлади? Маҳалла жамоатчилиги азалдан ҳар бир хонадонни беш қўлдек биларди, аҳоли унинг «кафтида» туради. Эртагачи, бу кафт компьютерга айланадими?

● Ишлашни биламиз, ҳордиқ чиқаришни-чи?

● Семинар якунланди. Семинар давом этади.

● Маҳалла ташвишлари: Наманган, Сирдарё, Қорақалпоғистонда.

3-саҳифасида:

● Фуқаролар юқори босимдаги газ қувури ўтган ер устида, жамоатчилик умумфойдаланишидаги майдонларда айвон, иморат, ҳатто молхоналар қуриб олишмоқда. Ўзбошимчаликнинг чегараси борми?

● Фалокат оёқ остида. Лекин уни четлаб ўтиш ҳар биримизнинг қўлимизда.

● «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» кубоги учун мусобақаси авж паллада. Омад қуши маҳалла стадионларини кезиб юрибди.

● Европада эса французлар чемпион!

4-саҳифасида:

● Биродарининг ҳолидан хабар олай деб зиёрат учун йўлга чиққанга етмиш мингта фариштa ҳамроҳ бўлади.

● Қотилни ўй-фикрлари тинч қўймади.

● Қишлоқларга «Mahalla» келмайди.

● Ҳажвчининг тақдири қизиқ.

САМАРКАНД БУХОРО

БИЗДАН БУГИНА...

Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан шаҳардаги Сиёб, Боғишамол, Темирйўл туманларидаги маҳаллалар оқсоқоллари тажриба алмашиш мақсадида Бухоро шаҳрига ташриф буюришди.

Дастлаб меҳмонлар Бухорои шарифнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишиб, маҳаллалар иши билан танишишга киришишди. Янгича тартибда бунёд этилган маҳалла марказлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Суҳбат асносида самарқандликлар ҳам ўз тажрибалари ва бунёд этилган барча шарт-шароитлар, қурилаётган маҳалла марказлари хусусида тўхталиб ўтишди. Сафар сўнгида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари доимий ўзаро тажриба алмашиб туришлари ҳақида келишиб олишди.

Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

ФАТВО

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига фуқаролар тарафидан келаётган савол-истаклар ва айрим шахслар тарафидан қабрларни зиёрат қилишда йўл қўйилаётган камчиликларни инобатга олиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси қабристонни зиёрат қилиш одоби ҳақидаги ушбу ФАТВОни қабул қилади.

Қабристонни зиёрат қилиш чоғида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Аввало қабристонга кирилганда *«Алайкумус салам ё аҳлал қубур»*, яъни: *«Сизга салом эй, қабристон аҳллари»*, - деб салом бериб кирилади.

- Қабрларни зиёрат қилиш суннат амалларидандир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Сизларга қабрлар зиёратини таъқиқлаган эдим. Мана, энди қабрларни зиёрат этаверингиз, зеро у сизларга охиратни эслатади»*, (Имом ат-Термизий ривояти) деб марҳамат қилганлар.

Демак, қабристонга бортанлар у ерда ётган марҳумларни ўйлаб, ундан ҳар ким ўзига ўгит ва ибрат олиши лозим. Зеро, улар ҳам бизлардек бу дунёда яшаганлар, турли амалларни қилиб ўтганлар. Ҳозирда ўша қилмишларига яраша бир қалар Аллоҳнинг ажри ёки уқубатига дохил бўлган ҳолда ётурлар. Бу эса инсонни фикр қилишга ундайди.

Қабрларни зиёрат қилганда марҳумлар руҳига бағишлаб тиловати Қуръон ҳамда дуои хайрлар қилинади.

Маълумки, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, шуниндек, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш Ислом динида савобли ишлардан саналади. Аммо бунинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Масалан, азиз-авлиёларнинг мозорига борилганда Каъба атрофини тавоф қилгандек атрофини айланмасдан, одоб билан бориб, тиловат ва дуо қилиб, савобини шу қабр соҳибининг руҳига бағишлаб, биздан ва авлодларимиздан шу зотлар каби улуғ инсонлар чиқаргин, деб Яратганга илтижо қилинади. Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар бир зиёрат этувчи киши қабрла ётган авлиё ёки бошқа зотлардан мадад сўраб, ундан ҳожатини чиқаришини талаб қилмайди. Ҳар қандай ҳожатларни раво этишни бевосита фақат Парвардигорнинг ўзидан сўралади.

Шунингдек, имкони бўлса қабристоннинг қибла томонига ўтиб, орқани қиблага қилиб, қабр аҳлига юзма-юз туриб тиловат ва дуо қилиш лозим бўлади.

Қабрларга шам ёқиш, қабр тошларини ўпиш, унинг устида ўтириш, босиб юриш, қабр рўпарасида намоз ўқиш солиҳ амаллардан эмас.

Қабр йўқолмаслиги учун бир белги сифатида унинг устига мўъжаз тош ёки тахта қўйиш, уларга номларини ёзиб қўйиш жоиз, аммо чиқими кўп ва дабдабали қилиб қабр тошлари ўрнатиш исроф саналади.

Маълумки, қабристон зиёрати учун белгиланган муайян бир вақт йўқ, исталган вақтда зиёрат қилиш мумкин.

Шариатимизда қабрларга гул ва шунга ўхшаш ўсимликлар экиш яхши амаллардан саналади. Лекин мевали дарахтлар экиш, уларнинг мевасини истеъмол қилиш, қабристонда чорва молларини ўтлатиш лозим эмас.

Маййит руҳини шод этадиган амаллар: Қуръон ўқиб савобини унинг руҳига бағишлаш, дуои хайрлар қилиш, эҳсон ва садақалар улашиш кабилардир.

Аллоҳ таоло ўтганларимизнинг руҳларини шод, охиратларини обод айласин.

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

Тошкент шаҳри,
2000 йил, 4 июл.



СОХТА СЮЖЕТ ҚИСМАТИ

ёки нима учун «Урал авиалиниялари» самолётида бомба портламади?

Жорий йилнинг 30 майида Екатеринбургдан Тошкентга келиб кетган «Урал авиалиниялари» ҳаво кемаси Екатеринбургга қўнганда ундан портловчи қурилма топилгани кўпчиликни мушкул ва ноқулай аҳволга солди.

Саволлар жуда кўп эди. Кемада бомба қачон ва қандай пайдо бўлди? Нима учун у «бемалол» Екатеринбургдан Тошкентга келди ва яна қайси йўл билан орқага қайтиб кетди? Нимага бомба шунча узоқ вақт давомида портламади ва уни самолётга ким олиб кирди?

Синчковлик билан олиб борилган текширув барча саволларга жавоб берди: қурилма техник сабабларга кўра портлаши мумкин эмас эди ва умуман бир дақиқа ҳам ҳавода бўлмаган.

Портловчи қурилмани Екатеринбург аэропорти божхона ходимаси - кинолог, «Қизил зона»га кириш учун рухсати бор аёл «топди». У Тошкентдан келган самолёт саҳнини текшираётганда орқадаги ҳожатхонада, чиқинди солинадиган контейнерда кичкина қутича борлигини «пайқади». Спорт секундометри ўрнатилган, капсулали детонаторли 400 грамм тротилл солинган темир қутичани, аслида унинг ўзи самолётга олиб кирганди.

- Қўлда ясалган портловчи қурилмани ишлатиб бўлмас эди, чунки у нотўғри йиғилганди, - деди «O`zbekiston havo yo`llari» МАК бош директорининг ўринбосари Жавдат Саидов. - Биз буни самолётга кириш ҳуқуқига эга бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиб, кўпгина тахминларни кўриб ишлаб чиққандан сўнг билдик. Ураллик ҳамкасбларимиз билан шундай қийин «сюжет»нинг «муаллифи ва бажарувчиси» кимлигини аниқлаш учун икки марта Екатеринбургга бориб келишга тўғри келди.

Айбига иқрор бўлган божхона ходимаси ўз қилмиши сабабини тушунтириб берди. У самолётни портлатишдек террорчилик ҳаракатининг «олдини олиб» хизматда «ўзини кўрсатмоқчилиги» ва бунинг учун ўрмонда «тасодифан» топиб олган тротиллни ишлатганини айтди.

Ҳамма нарса яхши, яъни детектив фильмда бўлгани каби рисоладагидек эди. Форма кийган қаттиққўл ва шижоатли аёл гиёҳванд моддаларни топишга ўргатилган ит билан самолёт саҳнини қадамба-қадам текшираётган эди. Ҳожатхона олдида портловчи моддани сезган ит жойида тўхтаб, хўжайинига безовталаниб қаради. Дақиқа ўтар-ўтмас унинг қўлида исталган вақтда портловчи бомба турарди...

Екатеринбург аэропорти ходимаси кўпчиликка яхши маълум бўлган «Тиниб-тинчимас қариялар» фильми қаҳрамони, хизматда мартабага эришиш учун инкосаторни тунаган қария (Юрий Никулин)дан ҳам очиғи ўтказиб юборганини эътироф этиш жоиз. Бироқ, фильмда воқеалар яхшиликка қаратилган эди...

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

2000 йил 5 июль
№ 47-48 (179-180)

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Бу эса ҳар биримизда алоҳида энтикиш ва айниқса масъулият ҳиссини уйғотади. Янги минг йилликка қандай кириб борамиз, қайси хислат ва фазилатлар бизга ҳамроҳ бўлади-ю қайси қусурлардан холос бўлишимиз керак?

Дарвоқе, XXI асрда маҳаллаларимиз қандай бўлади?

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Маҳалла - ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

АҲОЛИ МАҲАЛЛА «КАФТИ»ДА ТУРАДИ

Бугунги кундаёқ дунёда ўзбекча ҳаёт тарзи ўзига хос янги тузилма сифатида тан олинаётган, фақат истиқлол туфайли ва Президентимизнинг бу тузилманинг ўзимизга хос ва мослигини тўғри англаб, унинг ривожига катта ғамхўрлик қилаётган, халқимиз ана шундай эътиборни қўллаб-қувватлаб турган экан, янги аср биринчи чорагида, ўртасида ва сўнггида бу тузилма бизни қайси даражада ўз бағрида яшаттиради. Умуман, маҳалланинг келажаги Ватан, халқ, жамият равнақи эканлигини, бугун тан оламизми? Агар уни тан олсак, келажагимиз буюклигини, маҳалла ривожида кўраётган бўламиз, албатта. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «XXI аср маҳалласи» концепцияси ҳақидаги кўрсатмалари, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашида бу ҳақда жиддий изланишлар бўлаётганлиги, Ўзбекистон Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитасида ҳам бу борада иш олиб борилаётганлиги бу келажакка ишонтиради. Демак, бу борада ҳар кимнинг фикри бўлиши табиий ва айни пайтда зарур. Қуйида шу сингари долзарб ва бугунги кунда кўндаланг қўйилишга ҳақдор бўлган саволлар билан биз пойтахтдаги «Исломобод» маҳалласи оқсоқоли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия муҳандислар академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор Эркин ҚОСИМОВга мурожаат этдик.

- Маҳаллаларимизнинг ички ва ташқи тузилиши, маҳалла фуқаролар йиғинларининг нуфузи ва гарданидаги вазифалар муҳтарам Президентимизнинг 1999 йил апрель ойида Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузаларида янада равшанроқ ёритилади.

«Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан... фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади» дейилади ушбу маърузада. Худди шу сессияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди. Ўйлайманки, ушбу қонуннинг янги аср бўсағасида қабул қилинишида ҳам рамзий маъно бор - буни фуқаролик жамияти қуришда устқурмани аввалроқ қўйишга даъват деб тушунмоқ ўринли бўларди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун республикамизда фуқаролик жамиятини қуриш, кучли давлатдан кучли жамият сари интилаётган халқимиз учун ҳақиқий дастуруламал бўла олади. Маҳаллий ҳокимият маҳкамаларининг йиллар давомида «эгалик» қилиб келган ваколатларининг тақсимланиши, ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб борилиши айнан шу ҳужжат билан кафолатланган.

- Маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида айтингчи, қонундаги қайси ваколатларни Сиз бугунданоқ олишга тайёрсиз, қандай бирламчи ваколатлар XXI аср остонасидаги маҳалла нуфузи учун хизмат қилади?

- «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинига кўплаб ваколатларни беришни белгилайди. Лекин бугунги маҳаллаларимиз уларнинг барчасини, қолаверса бирданига олишга тайёр эмас деб биламан. Бу борада эса аниқ таклиф-тавсияларим бор: ваколатларни босқичма-босқич ва айни пайтда ҳуқуқий ва моддий томони билан ўтказиб бориш керак. Хусусан, маъмурий комиссиялар тузишни фуқаролар йиғинига топшириш даври пишиб етилди деб ўйлайман. Маҳаллаларда кўз очиб юмгунча аллақандай ноқонуний иншоот - қурилмалар пайдо бўлиб қолади, жамоат кўчалари тўсиб қўйилиб, қувурлар қазилади - худди маҳалланинг эгаси йўқдек! Ана шундай бошбошдоқчиликларга маъмурий жазо қўллаш ваколати фуқаролар йиғинига қонун билан берилган экан, уларни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Ҳаракатларда қатъий қонунийликка амал қилиш мақсадида ушбу ваколатлардан келиб чиқиб вақтинчалик Низом ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳалла жамоатчилиги ҳар бир хонадонни беш қўлдек билади, аҳоли унинг кафтида туради. Шундай экан, ким моддий ёрдамга муҳтож, ким таълим-тарбия ва танбеҳ олишга муҳтож - буни маҳалла яхши билади. Ушбу хусусиятдан келиб чиқиб, ногирон ва пенсионерлар учун дори-дармон, даволаш ва дам олиш, болалар оромгоҳлари учун туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан бериладиган йўлланмаларни тарқатиш ҳуқуқини ҳам фуқаролар йиғинига ўтказиш даври келди. Маҳалла оқсоқоли ушбу йўлланмаларни тарқатадиган бўлса, ҳар ёз чилласида бир хонадон соҳибигина санаторийда дам олавермайди, аҳоли орасида ижтимоий адолат тикланади. Бу албатта менинг шахсий фикрим.

Маҳалла фуқаролар йиғинига бугунги кунда ўтказилиши мумкин бўлган ваколатларнинг учинчисига «савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат» ўрнатишни киритиш мумкин. Бу ҳолатда аҳолига хизмат таъкидлаб ўтаманки, ҳар бир ваколат учун 5-6 та маҳалла тажриба макони сифатида танлаб олинади. Ҳар бир ҳолат учун махсус Низом ишлаб чиқиш ҳам зарур.

- Ҳокимият идорасидан ваколат олиб, муқобил ҳоким даражасига кўтарилиш яхши нарса. Лекин бугун маҳаллани бошқараётган оқсоқолларимиз бу тадбирларга руҳан-жисмонан тайёрмилар?

- Тўлиқ эмас. Кўп ҳолларда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, яъни оқсоқоллар оддий дастёрга айланиб қолмоқда. Шунинг учун бугунги куннинг бош масаласи оқсоқолларни шахс сифатида, ўз ишининг устаси сифатида камол топтиришдан иборат. «Mahalla» газетаси ўзининг бир нечта сонида «Маҳалла оқсоқоли: у қандай одам бўлиши керак?» деган долзарб мавзуни муноза рага ташлаб ўринли иш қилди. Айтиш керакки, шу баҳс-мунозаралар натижасида ҳам халқимизнинг маҳалла, унинг оқсоқоли, маслаҳатчилари шахси ҳақида жамоатчилик фикри уйғонди, шаклланди. Ўйлаб қаралса, оқсоқол мақоми ҳеч бир меъёр ёки чегаралар билан аниқ белгиланмаган. Бу лавозимда 70 ёшлик қария ўтириб, ишни ўрта ёшлик мутахассиснинг гайраттшижоати билан ташкиллаштириши ҳам мумкин ёки аксинча, 50 ёшлик оқсоқол маҳалла ишини ўта сусайтириб юбориши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу маънода бизда оқсоқоллар тайёрлайдиган маскан очилган эмас. Тўғри, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида магистрлик унвонини олиш учун диссертациялар ёзилаяпти. Республика «Маҳалла» жамғармаси қошида ишлаб турган «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказининг бажараётган ишларини табриклаган ҳолда айтиш керакки, оқсоқол кадрлар тайёрлаш борасида саъй-ҳаракатларимизда бу тадбирлар ҳозирча камлик қилади.

- Қурилиш соҳасининг етук мутахассиси сифатида айтингчи, XXI аср маҳаллалари шакл-шамойил, янгича қурилмалар билан ҳам ажралиб турадими?

- Бу саволни кейинги навбатда беришингиз жуда ўринли. Чунки маҳаллаларни ислоҳ қилишнинг бирламчи вазифасида уларнинг нуфузини ошириш, оқсоқоллар мақомини кўтариш туради. Маҳаллалар ташқи кўриниши, қурилмалар масаласи эса иккинчи навбатда ҳал қилинадиган мавзудир. Албатта, янги аср маҳаллалари аҳоли учун ҳар жиҳатдан қулай, савдо ва маиший хизмат шахобчалари биргина гузарда жам бўлмасдан, тарқоқ ҳолда қурилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун янги маҳаллалар лойиҳасини мутасадди ташкилотлар ўртасида тендер-танлов эълон қилган ҳолда ишлаб чиқиш зарур бўлади. Кўриниб турибдики, бизни кутаётган янги минг йилликда маҳаллалар юзи янгича қиёфа билан намоён бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.

● СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ. СЕМИНАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ишбилармонга кредит ажратиш ёки ажратмаслик масаласидан тортиб маҳалладан маиший чиқиндиларни олиб кетишгача, истиқомат жойларида спорт майдончасини қуришу фарзандларимизни дала ишларига мажбурий жалб этмаслик тадбирларини бугунги кунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўзлари, мустақил ҳолда ҳал этишлари мумкин.

МАҚСАД: ДЕМОКРАТИК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Бу ваколатлар кучли давлатдан кучли жамият сари одимлаётган мамлакатимиз қонунчилиги билан кафолатланган, қонун ва меъёрий ҳужжатлар базаси яратилган. Барча шарт-шароитлар етарли. Аммо минг афсуски, ҳаётда ушбу қонунларни бажармаслик ёки ўз ваколат ва ҳуқуқларидан тўлақонли фойдалана билмаслик ҳолатлари учраб турибди. Учраб турибди эмас, балки бундай ҳуқуқий меъёрлар мавжудлигидан ҳали бехабар инсонлар ҳам бор.

Жамиятимизнинг демократик тамойилларга тобора чуқурроқ кириб боришида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси бугунги кунда нодавлат ташкилотларнинг энг йирик намуналаридан бири - Республика «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйгани барчага маълум. Икки жамғарма, қолаверса, Швейцариянинг Тараққиёт ва Ҳамкорлик агентлиги, Ўзбекистон Парламенти Омбудсмани, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Германия техник ҳамкорлик жамияти, «Камолот» жамғармаси, «Тадбиркор аёл» ва Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари, ҳокимиятлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз вилоятларида туркум семинарлар ўтказишмоқда. «Номар-казлашув — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи негизи. Уларнинг Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги роли. Ҳуқуқий-иқтисодий томонлари ва уларнинг ОАВ да ёритилиши» деган кенг қамровли машғулотларнинг биринчи босқичи ўз ишини якунлади. Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий ваколатхонаси раҳбари В.Шрайбернинг ибораси билан айтганда, «Сайёр цирк мисоли» республиканинг ўнта шаҳрида қарийб 30 тадан ортиқ семинар ўтказган жамоа Тошкентга бир дунё таассурот ва таҳлилий ахборотлар билан қайтиб келди. Бу таҳлилий ахборотларни тинглаш ва тегишли хулосалар чиқариш барчага ва айниқса республика Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалиловга қизиқарли туюлди. Ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўтказилган семинарлар раҳбари Игорь Муратидиснинг таъкидлашича, фуқароларда тадбиркорлик билан шуғулланиш, узоқ муддатли кредит маблағлари олиш масалаларида бир қатор муаммолар содир бўлаётган экан. Андижон, Наманган вилоятларида деҳқонларга иқтисодий эркинлик бериш, янги ерларни ўзлаштириш, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш масалалари етарлича ҳал этилмаган экан.

Бундан ташқари, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази раҳбари Гулнора Бобожонованинг таъкидлашича, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшлар ва ўсмирлар ҳар жиҳатдан фаол билимга чанқоқлиги билан ажралиб туради. Эндиги масала уларни маҳалла фуқаролар йиғинларида бошини қовуштириб турадиган бир кенгаш ёки йиғин қошида ёшлар қанотини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Фақат бу ёшлар қаноти аллақандай расмиятчилик учун тузилмай, балки ўз муаммо ва манфаатларини маҳаллий ҳокимият даражасида ҳал эта оладиган овозга эга бўлишлари лозим.

- Семинарларимиз давомида маълум бўлдики, журналистлар ўзини ўзи бошқариш органлари ишига у қадар изчил кириб бормаётган эканлар, - деди Г.Бобожонова. - Ўз навбатида аҳоли ҳам муаммоларни ҳал этиш ёки дардлашиш учун биринчи ўринда жамоатчилик фикрини шакллантирувчи асосий куч - оммавий ахборот воситаларига югуриб бормаётгирлар. Жойлардаги машғулотларимиз ҳар икки қутбни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Маҳаллалардаги юзага чиққан муаммоларни таҳлил этар экан, Ш.Жалилов бу масалаларни тегишли вазирлик ва идоралар иш столига, Олий Мажлис муҳокамасига тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлишини эслатиб ўтди.

Н. НОСИР.

● ЁЗ - ЎТМОҚДА СОЗ

Наманган

МАҲАЛЛА ОРОМГОҲЛАРИДА

Болажонлар орзиқиб кутган ёзнинг биринчи ойи ҳам ортда қолди. Кўпчилик юртдошларимиз ўғил-қизларини соя-салқин гўшаларда жойлашган оромгоҳларга жўнатиб ҳам улгурдилар.

Бундай имкониятга эга бўлмаган оилалар фарзандларини эса маҳаллалар қошидаги оромгоҳлар ўз бағрига олди.

Шундай масканлардан бири Косонсой шаҳридаги Маҳдуми Аъзам номли маҳаллада жойлашган.

- Маҳалламизда 786 та оила бўлиб, 8 миллатга мансуб бўлган, 3300 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг мингдан ортиғини эса мактаб ва мактаб ёшигача бўлган болалар ташкил қилади, - дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулло Тўрахўжаев. - Шуни эътиборга олиб ҳудудимизда жойлашган 1-ўрта мактаб жамоаси ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўтган йил маҳалламизда болалар спорт майдончаси бунёд этган эдик. Бу йилги мавсум арафасида мазкур майдон тўла таъмирланиб, ҳозирда футбол, волейбол мусобақалари, болалар иштирокида турли хил тадбирлар ўтказяпмиз.

И.ЖУМАНАЗАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Мадамин АДИНОВ, Гулистон шаҳридаги Улуғобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Сирдарё вилояти

НОДИР ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Маҳалла бугун инсон ҳаётига энг чуқур кириб борувчи маскан саналади. Ҳар қандай муаммо, ҳар қандай англашилмовчиликлар шу ерда ўз ечимини топади. Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз унчалик катта эмас. Унинг аҳолиси 3,5 мингга яқин кишини ташкил этади. Ҳар жойнинг ўзига яраша ташвиши, муаммоси бўлганидек, қишлоғимизда ҳам бундай ташвиш ва муаммолар етарли. Аммо биз уларни оқсоқолу жонкуярларимиз ёрдамида ижобий ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Тўй-маросимлар, маъракалар ҳамма халқда ҳам бор. Аммо уларни ўтказиш, ташкил этиш бизда бутунлай бошқача. Бир оиланинг шодлиги бугун маҳалланинг хурсандчилиги, бир оила бошига тушган мусибат бутун маҳалланинг мусибатига айланади. Тўю тантаналар шодлигию, оила бошига тушадиган оғир кунлар юкини маҳаллада истиқомат қилаётганлар баравар кўтаришади. Ана шуларни ўйлаганимда ўзимизнинг ким эканлигимизни янада теранроқ ҳис этаман, ниҳоятда бағри кенг, инсофу диёнатли миллат эканлигимиздан ғурурланиб кетаман.

Давлатимиз томонидан ажратилаётган нафақалар албатта кам таъминланган оиларга етиб бориши керак. Биз қишлоқ фуқаролар йиғинида бу масалага жиддий эътибор билан қарамоқдамиз. Шу соҳага масъул бўлган комиссия кам таъминланган оилаларни батафсил ўрганиб чиқади, фуқаролар йиғинида муҳокама қилинади ва зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг уларга нафақа тайинланади ёки моддий ёрдам кўрсатилади. Биз келажакда маҳаллаларимизнинг бундан-да катта имкониятларга эга бўлишини истаймиз. Бундан ташқари умумхалқ байрами муносабати билан ҳамма ташкилотлар қишлоғимиздаги кам таъминланган учта оиланинг фарзандлари учун суннат тўйларини ўтказиб бердилар.

Оила жам бўлса,
бу кетмас давлат,
Маҳалла бир бўлса,
шунинг ўзи бахт.
Миллат бирлашса,
бирлашса элат,
Бизники Сулаймон
эгаллаган тахт.

● ЎЗИМИЗ ҲАҚДА ЎЗИМИЗ

ИШЛАШНИ БИЛАМИЗ, ДАМ ОЛИШНИ-ЧИ?

Бобом раҳматли чўпон эдилар. Етмиш йил дашту биёбон кезиб, фақат қиш чилласидагина бир-икки кун уйда бўлишарди, холос. Отам эса қирқ йил темирлар билан тиллашиб таътил нималигини билишмаган.

Тўғри, улар ҳар йили меҳнат таътилига чиқишар, аммо дам олишни хаёлига келтиролмасди. Чунки оилада бош ўғил бўлган отамнинг укалари кўп бўлиб, уларнинг ҳар бирига уй-жой қуриш учун тинмай ишлаш керак эди. Таътил эса бундай ишлар учун энг қулай имконият ҳисобланарди. Нафсиламбрини айтганда, нафақат бизнинг оиладагилар, деярли ҳамма таътилни айнан шундай ўтказишарди.

Йиллар ўтиб, катта шаҳарда яшаш, катта даргоҳларда ишлаш насиб этди. Ҳар йили ёзги мавсумда таътилга чиқаман. Уйнинг кам-кўстини тўғрилашу бирров қишлоққа бориб, қариндошларимни кўриб келишни айтмаса, ҳеч нимага улгурмасимдан таътил кунларим тугайди. Кейин яна янаги йилги таътилгача режа тузиб ишлайвераман. Ҳа, биз ишлашни биламиз, аммо дам олишни-чи? Яхши дам меҳнатга ҳамдам эканлигини бот-бот гапирамизу, ўзимиз унга амал қилмаймиз. Маданий ҳордиқ чиқариш, соғлигимизни мустаҳкамлаш, келгусида бажариладиган улкан ишлар учун куч тўплаш ҳақида қайғурмаймиз.

Келинг, бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Нега шундай? Нега биз руҳимизни кўтариб юрган танамиз ҳақида ўйламаймиз? Ахир соғлом тангина руҳиятни кўтариши мумкинлигини барчамиз бирдек яхши биламизку!

Талабалик йилларимда поездда учрашиб қолган ҳамроҳим пайғамбар ёшига кирдим, деганда ишонмагандим. Чунки икки юзи хўрознинг тожидек қип-қизил бу одам йилда бир ой дам олишга улгурарди. Ҳатто ўз таътилини Европанинг энг сўлим масканларида ўтказган отахонни кўрган одам нари борса қирққа чиққан деб ўйларди. Тўғри, бу одам яхшигина даромадга эга бўлган. Аммо, йилида бир марта кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун маблағ топса бўлар! Ахир, кераксиз нарсалару ортиқча дабдабаларга ҳам, ким ўзарга ўтказилаётган тўйлару баҳсмабаҳс қилинаётган маъракаларга ҳам маблағ топаяпмиз-ку!

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Агар биз «уй-ишхона-уй» тизимидан ташқарига чиқмасак, бепоён юртимизнинг ҳар бир жабҳасида юз бераётган буюк ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўрмасак, аждодлардан буюк мерос бўлиб қолган осори атиқаларни, масжиду хонақоҳларни зиёрат қилмасак, осмонўпар минорлару маҳобатли иншоотлардан ҳайратланмасак, унда қандай ватанпарвар бўлдик.

Темир ҚУРБОН.

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР - ДЕМОКРАТИЯ ҚАЛҚОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Наманганда эса «Камолот» «Маҳалла» жамғармаларининг вилоят бўлимлари энг нуфузли нодавлат-нотижорат ташкилотлар сирасига киради. Уларнинг аҳоли орасида катта обрў ва таъсир доирасига эга эканлиги ҳам сир эмас. «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими яқинда Наманганда бўлиб ўтган «Универсиада - 2000» спорт тадбири учун 500 минг сўм маблағ сарфлади. Бундан ташқари ногиронлар орасида спортни кенг ривожлантиришга ҳам рағбат кўрсатиб келишаётир.

Ушбу ҳолатларни таҳлил қилишга бағишлаб Олий Мажлис қўмитасида ўтказилган йиғилишда масаланинг салбий томонлари ҳақида ҳам гап борди.

- Жойларда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг амалда талбиқ этилишида баъзи камчиликлар бор, - деди қўмита раиси Акмал Саидов. - Масалан, аксарият нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўзларининг низомларида қайд этилган мақсад ва вазифаларга тўла амал қилмайдилар. Айрим бундай ташкилотларда сайлаб қўйилувчи органнинг мажлислари, конференция-йиғилишлар ўтказишмайди. Баъзи ташкилотлар эса умуман фаолиятсиз экан. Қонун доирасида ишлаш, яратувчанлик билан шуғулланиш анча сўст. Шу камчиликлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси махсус қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ қўмита ҳузурида махсус экспертлар гуруҳи тузилиб, унинг Низомини тасдиқлаш масалалари киритилган. Ҳужжатлар имзоланди, эндиги вазифа амалий фаолиятга, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ишини жонлантиришга қолади.

Л. ЗУКУРОВА.

Қорақалпоғистон

МАКОН КЕНГАШИ — ОБОДОНЛАШТИРИШ ҒОЛИБИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича илгари эълон қилинган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги якунлари кўриб чиқилди.

Қорақалпоғистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тавсиясига кўра Нукус шаҳридаги 14-макон кенгаши (маҳалласи) ғолиб деб топилди.

Ҳужжатда таъкидланганидек, мазкур макон кенгаш аҳолиси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳаракатида ҳар йили фаол қатнашади. Яхши самарадорликка эришади. Баҳор фаслида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб, уларнинг ривожланишидан доимо бохабар бўлиб туради. Кўчалару хиёбонларнинг, ҳовли атрофларининг тозалигига эришади. Бундай хайрли ишларда 9 нафар кўча бийлари доимо фаоллик кўрсатаётир.

Иккинчи ўрин Тахиатош шаҳри маҳаллаларига берилди.

Ғолиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

А.ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

● МАҲАЛЛА ВА ҚОНУН

ЕР ЎЗБОШИМЧАНИКИ ЭМАС-ДА

Ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ўз ҳудудида томошабинми?

Шаҳримиз кенг кўчалар ҳисобига кенгаяётгандай. Ҳозирги марказий кўчаларимизга тўрт, беш қаторлаб машиналар сиғади. Лекин маҳаллалардаги ички маданият, ички психология кўча ва гузарларимизни тобора торайтириб қўяётганини кузатиш мумкин.

Истиқомат жойларида дарвоза атрофини ноқонуний ўраб олиш, жамоатчилик ўтадиган йўлкаларни молхона-гулхона, ахлатхонага айлантириб қўйиш ҳоллари кўп учрамоқда. Маҳаллаларда бугунги кунда ҳатто кишибилмас тарзда бир зумда қурилма ва иншоотлар ҳам қад ростлаб қолинаётирки, бу ғайриқонуний иншоотлар кўп ҳолларда қўни-қўшни, маҳалладошлар ташвишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман ҳудудидаги Отбозор қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Т.Аҳмедов ва Ширбуддин қишлоқ фуқаролари йиғин(раиси Р. Бахронов)ларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 1999 йил 27 январ кунидаги «Уй-жой архитектура, шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси ўрганиб чиқилганида, бу борада жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги, шу ҳудудларнинг маъмурий мутасаддилари бу ғайриқонуний ҳолатларга «томошабин» бўлиб келаверишганлиги маълум бўлди.

«Соҳибкор» жамоа хўжалигининг 5-бригадасида истиқомат қилувчи фуқаро С.Одилов ўзбошимчалик билан юқори босимдаги газ қувури ўтган ер устида уй қуриб олган. У нафақат ўзбошимчалик билан ерни эгаллаб олганлиги, балки ўзи ва оиласи ҳаётини хавф остида қолдирганлигини билмаган дейсизми? Худди шундайин ҳолатларга шу жамоа хўжалигининг «Сувобод» қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Х.Шарипов, жамоа хўжалигининг 5-бригадасида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Ҳазратқулов, жамоа хўжалигининг шу бригадасида истиқомат қилувчи Б.Ҳайдаров, Н.Раҳимова, Х.Зухуровлар томонидан ҳам йўл қўйилган. Ўринли савол туғилади: нима бу ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни Отбозор қишлоқ фуқаролари йиғини маъмурияти, унинг раиси Т.Аҳмедов билмаган ва кўрмаган дейсизми? Кўриб турсада бу ғайриқонуний ҳолатларга «томошабин» бўлиб тураверган. Ёки жамоа хўжалиги бошқарувидаги мутасадди (жамоа хўжалиги раиси А.Абдураҳмонов) ўртоқлар ҳам кўрсада, ўзларини кўрмасликка олганларини қандай изоҳласа бўлади.

Ширбуддин қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида ҳам давлат ва жамоа ерларини тегишли ташкилот ва қишлоқ фуқаролари йиғини эътиборсизлиги оқибатида ерларни талон-тарож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, бу ерларда ноқонуний равишда қўшимча иморатлар қурилишига йўл қўйиб келинган. Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги А.Набиев номли кўчанинг 21-уйида истиқомат қилувчи фуқаро Мавжуда Рўзиева қишлоқ фуқаролари йиғини томонидан тегишли назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб, ўзбошимчалик билан 500 кв, метр ерни эгаллаб олиб, шунинг 60 кв метр ер майдонига ноқонуний равишда айвон қуриб олган. «Қовун-қовундан ранг олади» қабилида иш кўрган шу кўчанинг 12-уйида истиқомат қилувчи фуқаро Раҳмонов Исмоил ҳам ҳамсоямдан қолишмай, деб 250 кв, метр майдонда молхона қуриб олган. Давлат ва жамоа ерларини бундайин ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, қонунсиз равишда иморат қурилишига фуқаролардан Рўзиева Ўғилтурди, Нурова Шарофат, Саидова Яхшилар ҳам йўл қўйиб келишган.

Ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби, ўзбошимчаликнинг ҳам чегараси бор дейдилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 212-моддасида «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиб, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга-сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим» - деб кўрсатилган. Туман прокуратураси томонидан бу ўзбошимчаликка йўл қўйган ва ерларни ғайриқонуний равишда эгаллаб олиб, иморат қурган фуқароларга нисбатан уларни ғайриқонуний деб топишни ва қурилган иморатларни уларнинг ўзлари ҳисобидан бузиб ташлаш масаласи юзасидан туман судига даъво аризалари қўзғатиб юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида ўзини ўзи бошқариш органларининг шунингдек қишлоқ (маҳалла) фуқаролари йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколатларига берилган бошқа ваколатлар билан бирга «шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади, иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларни ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади»... деб кўрсатилган. Демак, маҳалла оқсоқоллари бундай ҳолатларда оддий томошабин бўлиб қололмайди.

Ф.МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳар, Ф.Хўжаев тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

● ҲАЛОКАТДАН ХОЛИ БЎЛИНГ

ЖОНЛАР ОЗОР ЧЕКМАСИН

Маҳаллада, ишлаб чиқаришда, йўлда юз берган бахтсиз ҳодисаларни ўрганиб, таҳлил этиб чиққан ходим бевақт ўлимга, қўл-оёқлардан айрилишга, бедаво дардларнинг келиб чиқишига олиб келган сабабларни эринмай санарди.

Шуниси ачинарлики, баъзи раҳбар ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича умуман тушунчалари йўқ. Кичик, хусусий, қўшма корхона раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунчилик талабларини билишмайди.

Аёллар, ногиронлар ва ўсмирлар меҳнати муҳофазаси ўрганилиб чиқилганда, асосан аёлларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар тўғри амалга оширилмаётганлиги, аёллар зарарли омиллар таъсири остида ишлаётгани, махсус кийим-бош берилмаётганлиги, ногиронлар эса тавсияномага мувофиқ ишга қўйилганлиги, уларга алоҳида махсус иш жойлари яратилмаганлиги, ўсмирларнинг кўп жойларда зарарли ва хавфли касбларга қабул қилинганлиги ва шунга ўхшаш кўплаб камчиликлар бор.

Кўп корхона ва ташкилотларда зарарли ва хавфли иш жойлари шаҳодатлашдан ўтказилмаган. Бу касбларда ишлаётган ишчиларга қонунда белгиланган имтиёзлар (муддатидан олдин нафақага чиқиш, қўшимча меҳнат таътили кунлари белгилаш, имтиёзли даромад солиғи ушлаб қолиш) тўғри берилмаётганлиги аниқланди.

Гап шундаки, аниқланган камчиликларни содир қилган масъул жавобгар шахсларга нисбатан қонун асосида чоралар кўрилгани билан вазият қўнгилдагидек ўзгармаяпти. Қуйидаги корхоналардаги ҳолат бунга мисол бўлаолади: «Ирригация» трестига қарашли 3-сонли қурилиш таъмирлаш бошқармаси (раҳбари Абдуллаев Ш), 2-автобус саройи (раҳбари Х.М.Турсунов), Ўзбекистон Республикаси ФА Микробиология институти (раҳбари К.Д.Давронов). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 19-модда талабига асосан, корхонадаги ҳар бир ходим, шу жумладан раҳбарлар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорат органи ўрнатган тартибда махсус ўқишлардан, йўл-йўриқлардан, билим савиялари текширувдан ўтиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларни ва билим савияларини текшириш бўйича Низом» қўлланмаси талаби бўйича ҳар бир корхонада 3 кишидан иборат комиссия тузиш учун, улар махсус ўқишдан ўтиш ва давлат меҳнат техника инспекциясига имтиҳон топширишлари шарт.

Бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш ҳамда раҳбарларни ҳуқуқий билим савиясини ошириш мақсадида Бош Бошқарма қошида Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ва мутасадди ходимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билим савияларини текшириб, имтиҳон олиш бўйича комиссия тузилган. Бундан ташқари талаб ва таклифларни ўрганиб чиққан ҳолда, корхона ва ташкилотларга методик ёрдам бериш билан бир қаторда амалий ёрдам бериш мақсадида, уларни ўқитиш, меъёрий ҳужжатлар, плакатлар билан таъминлаш ва иш жойларини шаҳодатлаш учун марказлар очилди. Бизлар корхоналарга, маҳаллаларга яқиндан ёрдам бермоқдамиз. Бунинг самараси бўлмоқда. Ишлаб чиқаришда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар сони озайди, ишчиларга ўз вақтида иш кийими, махсус озиқ-овқатлар бериш йўлга қўйилмоқда. Иш жойларини шаҳодатлашдан ўтказиш ишлари ҳам бажарилаётгани натижасида зарарли ва хавфли касб эгаларининг қонуний ҳуқуқлари бузулишига барҳам берилмоқда ва улар ўз вақтида имтиёзли нафақага чиқарилмоқда.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини жойларда етарли даражада бажараётган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. «Электромонтажкомплект» корхонаси, «Балакат» хусусий корхонаси, «Лайнстиль» корхоналари шулар жумласидандир. Бу ердаги иш шароитини кўриб хурсанд бўлади, киши. Меҳнат муҳофазасини шундай йўлга қўйяликки, жонлар озор чекмасин.

Сойибжон НИЗОМОВ,
мутахассис.

ҚИТЪАЛАРДА ҚАДАМИ ҚОЛГАН

Англиялик фуқаро Роберт Барсайт дунё миқёсида биринчи бўлиб барча қитъалардаги мамлакатларни поюпиёда айланиб чиқди, деб хабар тарқатди жаҳон оммавий ахборот воситалари.

Жумладан, Хитой, Австралия, Бразилия, Россия каби мамлакатлар йўллари бўйлаб юриб эмас, югуриб ўтган Р.Барсайт яқинда ўзининг ана шу жаҳоншумул марафонига Венесуэла пойтахти - Каракас шаҳри кўчаларида хотима ясади.

Инглиз чопағонининг эътироф этишича, бундай катта қўламдаги марафон чоғида юзлаб кроссовкаю спорт либосларининг увадасини чиқарган бўлишига қарамай, у дунё бўйлаб амалга оширган сафаридан беҳад мамнун экан.

ПИВО ТУФАЙЛИ ЎТРОҚЛАШГАНМИЗ(МИ?)

Олиймақом илм-фанимиз бундан 10000 йил илгари одамзот нима учун тўсатдан овчиликни йиғиштириб қўйиб, миришкор деҳқонга айланиб қолганлигининг бош сабабини топгандай бўлди.

Бунинг сабабчиси, яъни одамзотни ўрмонлардан қуриб солган ва бир парча ерга абадий боғлаб қўйган сеҳрли куч - пивонинг хуш таъми эмиш!

Пиво - одамларни адойи тамом қилувчи «шайтоннинг суви» эмас, балки уларни ўтроқлаштирувчи муҳим восита бўлган, деб таъкидлайди америкалик олим - Пенсильвания университети антропологи Соломон Кац жаноблари. Олимнинг фикрича, месопотамияликлар, ҳойнаҳой ёввойи буғдой донини йиғиб, улардан бўтқа тайёрлаш ҳамда ана шу бўтқага сув солиб маълум муддат тинитиб қўйиш эвазига хушхўр ичимлик тайёрлаш усулини кашф этган бўлишлари керак. Табиийки, пивонинг хумори уларни ўрмон дайдиларидан машаққатли ва хокисор касб эгаларига айлантирган.

Қизиғи шундаки, Соломон Кац буғдой ичимлигини бижғитиш ва пивога айлантириш учун қўлланиладиган узун жўмракли қадимий идишларнинг топилиши муносабати билан ўзининг юқорида тилга олинган ғаройиб тахминини илгари сурди.

Азамат ТОЙИРОВ
тайёрлади

● МАҲАЛЛА - 2000

ОМАД МОҲИР ФУТБОЛЧИГА КУЛИБ БОҚАДИ

Футбол бўйича 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» кубогини ўтказиш тўғрисида Низом эълон қилинди

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида мамлакат футболи нуфузини ошириш, уни болалар ўртасида янада оммалаштириш ҳамда «Пахтакор» футбол жамоасига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш ҳақида қизғин таклиф ва тавсиялар берилганига бир ойдан ошди.

Бизни футболга чорлаган маҳаллага раҳмат

Бу шарафли вазифани уддалашни зиммасига олган «Маҳалла» жамғармаси тўпининг тепилганига эса ўн кундан ошди. Яқинда эса Футбол бўйича 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» кубогини ўтказиш тўғрисида Низом амалий кучга кирди. Ҳужжатни Тошкент шаҳар ҳокимияти Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика ҳамда пойтахт «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Футбол федерацияси ҳамда «Ўзтелерадиокомпанияси»нинг «Давр» ахборот дастури имзолаганлар. Демак, пойтахтлик маҳалла болаларининг футбол беллашувларида асосий ташкилотчи ва мутасаддилар юқоридаги ташкилотлар ҳисобланади. Низомда «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» кубогини ўтказиш ҳақида сўз юритилиб, «Ёш болалар ва ўсмирлар ўртасида иқтидорли футболчиларни танлаб олиш» мақсад вазифаси белгилаб олинади. Шунингдек, мусобақанинг I босқичи маҳаллаларда, II босқичи туманларда, III босқичи шаҳар биринчилиги учун ва ниҳоят IV босқичи Республика миқёсида ташкил этилиши таъкидланади.

Низомда футбол олами учун муҳим ҳисобланган майдон, ҳакамлар гуруҳи, жамоа раҳбарлари, футболчилар ва ҳакамлар мажбурияти алоҳида қайд этилган. Шунингдек, «Мусобақани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар» ҳомий ташкилотлар саховати ва хайрия имкониятидан келиб чиқиб смета тузиб чиқилди. Сентябрь ойига қадар тўп сурадиган, тўп сургандаям боплаб гол урадиган футболчиларни муносиб совғалар кутаётир.

Дарвоқе, Низомда ўйинчиларни мукофотлаш ва уларга баъзи имтиёзлар яратиш ҳақида ҳам гап боради. Шу имтиёзларни кафолатлайдиган Низом моддасини тўла ёза қолайлик. «Биз - «Пахтакор» келажагимиз» Кубогининг Республика ғолиби ташкилий қўмитанинг кўчма кубоги билан тақдирланади, 2-,3-ўрин соҳиблари ҳам тегишли кубог билан мукофотланадилар.

14 ёшгача бўлган иқтидорли ёш-ўсмирлар имтиёзли равишда спорт мактабларига ва «Пахтакор» ўринбосарларини тайёрлаш мактабига тўғридан-тўғри қабул қилинадилар». Демак, Оловуддиннинг сеҳрли чироғидаги ҳожатбарор дев озодликда: омадингизни қўлдан бой берманг.

Нодир АЛИМОВ.

Бизнинг оқсоқол жамоа тузмади, лекин биз кўчани чангитиб ўйнайверамиз.

● ЕВРО - 2000

ФРАНЦИЯ - ЧЕМПИОН!

Бош соврин – французларда

Ҳозирга қадар футбол тарихида бунақаси қайд этилмаганди. Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган терма команда навбатдаги йирик мусобақада, одатда қитъа чемпионатида олтин медаллардан бенасиб қолар эди. Бу сафар Франция миллий терма командаси ушбу анъанага чек қўя олди.

Аввалига ярим финалларга қисқача тўхталиб ўтсак. Французлар Португалия термаси билан бўлган учрашувда ғалабага бўлган иродани намойиш қила олишди. Дастлаб Нуну Гомеш жаҳон чемпионлари дарвозасини ишғол этганига қарамай, Роже Лемер шогирдлари иккинчи таймда ҳисобни тенглаштиришди. Қўшимча вақт якунланишига саноқли дақиқалар қолганда ҳакам португалияликлар дарвозаси томон пенальти белгилади. Ўша вазиятда ҳакам расман ҳақ эди. Зайниддин Зидан тўпни дарвоза тўрига аниқ йўллаб, командасини финалга олиб чиқди. Аммо Луиш Фигу ва унинг командадошлари ҳам чемпионатни бошларини баланд кўтарганча тарк этишди.

Мезбонлардан бири Нидерландия термаси кутилмаганда Италия билан учрашувда жуда бўш ўйин намойиш этиб, барча орзу-умидлардан маҳрум бўлди. Шу куни деярли барча-барча, хатто ҳакам ҳам, Франк Райкард шогирдлари тарафида эди. Икки сариқ карточка учун Замбротта майдондан четлатилиб, итальянлар 34-дақиқадан бошлаб майдонда камчилик бўлиб ҳаракат қилишларига тўғри келди. Орадан бироз вақт ўтгач меҳмонлар дарвозаси томон пенальти белгиланди. Франк де Бур тепган тўпни меҳмонлар дарвозабони Франческо Тольдо моҳирона қайтариб, командасини муқаррар голдан қутқариб қолди. Иккинчи таймда ҳакам яна Италия термаси дарвозаси томон пенальти белгилаганда чемпионат тўпурари Патрик Клюйверт имкониятдан фойдалана олмади. Бу сафар дарвоза устуни тўпни қайтарди. Шу тариқа командалар ким финалга чиқишини ўйиндан кейин 11 метрлик белгидан тўп тепиш "лотереяси"да аниқлайдиган бўлишди. Тольдо ва омад Нидерландияни мотам тутишига сабабчи бўлишди. Бунақаси футбол тарихида ҳозирга қадар қайд этилмаганди: мезбон жамоа бир ўйинда рақиб дарвозасига 6 пенальтидан фақат биттасидагина гол кирита олди, холос. Шунда кўпчилик аввалги йирик мусобақаларни ҳам Нидерландия термаси айнан пенальтилар баҳсида ютқазиб тарк этганини эсга олди.

Ниҳоят, финал. Роттердам. Кутилганидек, французлар дастлабки дақиқалардан ҳужумкор ўйин намойиш эта бошлашди. Аммо ҳужумкор ўйинни, кутилмаганда, итальянлар ҳам асосий қуролга айлантиришди. Бу эса ҳал қилувчи ўйиннинг жуда шиддатли ва қизиқарли ўтишига имкон яратди. Иккинчи таймнинг 10-дақиқасида Марко Дельвеккио Фабьен Бартез дарвозасига тўп киритгач, дарвозабон Франческо Тольдо бугунги кунда энг кучли қўриқчи эканини такрор ва такрор исботлагач, ташкилотчилар Дино Дзофф командасига олтин медалларни топширишга ҳозирлик кўра бошлашди. Ҳакам ўйиндаги тўхталишлар учун 4 дақиқа қўшиб берди. Ана шу вақт якунланишига 50 сония қолганда Сильвен Вильтор французларни мағлубиятдан қутқарувчи жавоб гол муаллифи бўлди.

Қўшиб берилган вақтда эса Робер Пирес ошириб берган тўпни дарвозага киритган Давид Трезеге жаҳон чемпионларига Европа чемпионати олтин медалларини олиб берди. Пиреней ярим оролидан ташриф буюрганлар йиғлай бошлашди. Франция яна тахтга кўтарилди. Бу билан французлар ажойиб анъаналарини сақлаб қолишга ҳам муваффақ бўлишди. Ҳозирга қадар улар йирик мусобақаларнинг финалига етиб борса, албатта ғалаба қозонишмоқда.

Демак, асримизнинг Европадаги сўнгги чемпиони – Франция!

Биз эса Осиёда шундай бахт Ўзбекистон миллий терма командасига насиб этишини жуда-жуда истаймиз. Дарвоқе, терма командамизга янги бош мураббий сифатида Фарғонанинг "Нефтчи" командаси билан бир қатор сезиларли ютуқларни қўлга киритган Юрий Вазгенович Саркисян тайинлангани кўпчилик мухлислар томонидан қониқиш билан кутиб олинди.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Энг яхши дарвозабон Франческо Тольдо.

Франк де Бур – омадсиз сардор.

Италияликлар финалда ҳисобни очишди.

ЭНГ ЯХШИ ДАВО — ТАБИИЙ ДАВОДИР



1,5Л Бойсун тоғларидаги муқаддас "ОМОНХОНА" маъданли суви ошқозон-ичак яллиғланиши, жигар ва буйрак хасталикларида, айниқса, сариқ (гепатит) касаллигини даволашда, одам организмидаги моддалар алмашинувида фойдалилиг, шунингдек, сут таркибидаги темир, алюминий, кремний қислотаси, магний ионларини барқарорлаштиради. Кундалик истеъмолга тавсия қилинади. Табиий ҳолда қуйилган.

Минеральная вода из святого источника Байсунских гор "ОМОНХОНА" полезна при лечении язвы желудка и пищеварительного тракта, печени и почек, особенно при гепатите, а также при нарушении обмена веществ в организме человека. Стабилизирует работу желёз. Содержит алюминиевые, кремниевые кислоты и ионы магния. Рекомендуется для повседневного употребления. Разлито в естественном виде.
F "HOSHIM"
Термиз шаҳри, тел.: 8-37622-48960
Тошкент шаҳри, тел.: 8-371-1913026
8-371-1318960

Телефонлар:
Термезда:
8-37622-48960
Тошкентда:
8-371-1913026
8-371-1318960

1,5Л The mineral water from the sacred source of the Baysun mountains "OMONHONA" is good for treatment gastritis, digestive tract, liver, kidneys and especially for hepatitis and disturbance of metabolism in aperson's organism. It also stabilizes the work of glands. This mineral water contains aluminium, silicie acids and magnesium ions. It is recommended for everyday use. This product is poured in natural condition.

● ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

19. АЛЛОҲ БИРОДАРЛИКНИ ХУШ КЎРАДИ

Биродарлик, дўст тутиниш жуда катта неъматлардандир. Лекин дўст танлаш, дўстнинг қадрига етиш, унинг бор-йўғидан хабар олиб туришлик каби биродарлик вазифаларини ҳар ким уддалай оляптими?

Масалан, ҳар биримиз ҳозиргача қанчадан-қанча дўстларни кўрдик. Лекин мустаҳкам, доимий биродар бўлиб қоладиганлар оз чиқади.

Аслида тутиниш ҳам тарбияга боғлиқ. Биродарига меҳр-оқибат кўрсатиш ҳам тарбияга боғлиқ. Ота-оналарингиз ўзлари қандай дўст тутинишган, бу туйғуларни сизга қай тарзда етказишган. Бу тўғрида сиз қандай илмларга эга бўлдингиз, ана шуларга боғлиқ.

Пайғамбаримиз айтадиларки: дўстимни ҳол-аҳволини кўриб келай, деб кетаётган инсонга Оллоҳ таоло бир фариштани инсон суратида юборар экан, ҳалиги фариштага сўрайди. «Эй одамзот, қаерга кетяпсан?

- Бир қишлоққа.

- Нима юмуш билан?

- Бир дўстимни зиёрат қилиб келиш мақсадида.

- Қарзинг борми ундан?

- Йўқ, асло.

- Хўжайинингми?

- Йўқ.

- Ишинг тушдими унга?

- Йўқ, ишим ҳам тушган эмас.

- Унда нима учун кетаяпсан?

- Дўстим бўлгани учун.

- Мен Оллоҳ юборган элчи - фариштаман. Оллоҳ таоллоҳ айтди. «Сен токи дўстингни яхши кўрар экансан. Оллоҳ ҳам сени яхши кўраверади».

Яна Ҳурайра Разиоллоҳу Анҳудан ривоят қилинади, бу ҳам муборак Ҳадислардандир. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаллам айтадилар: «Кимки бир касални бориб кўрса, ёки узоқ вақтдан бери кўрмаган, соғинган биродарини зиёрат қилишга кўришиб келай деб борса, фаришталар томонидан бир нидо бўларкан. «Қадамингнинг қутлуғ бўлсин. Жойингни Оллоҳ жаннатдан тайёрлаб қўйсин», деган. Яна бир ривоятда Жаноби Расулуллоҳ айтадилар, «Жаннатий одамлардан сизга хабар берайми?» Шунда Саҳобалар ҳаммалари бир бўлиб, «Ё, Расулуллоҳ, хабар беринг» дейишади. Пайғамбарлар жаннатийдирлар. Сиддиқийлар жаннатийдирлар. Оллоҳ ризолигида бошқа қишлоқларда, бошқа шаҳарларда истиқомат қиладиган оғайнисини зиёрат қилгани бориб, кўриб келадиганлар ҳам жаннатийдир».

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаллам Або Рузайлга қарата айтадилар, «Эй Або Рузайл, бир мусулмон одам, биродарининг ҳолидан хабар олай деб зиёрат учун йўлга чиқса, унга етмиш мингта фаришта қўшилади. Эй, Раббим, биродарларига қандай сийлаи-раҳм қилаётган бўлса сен ҳам шу бандангга раҳм қилгин». Фаришталар шундай деб дуо қилишар экан. Маоз ибн Жабал Разиоллоҳи анҳудан ривоят. У киши айтадилар, «Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаллам айтадилар, вожиб бўлди муҳаббатим, - деркан Оллоҳ, - мен учун бир-бирларини севишганларга. Вожиб бўлди муҳаббатим - мен учун амри-маъруф, наъҳи-мункар қилиб, бирга қўшилганларга. Бирга илм ўрганганларга. Вожиб бўлди муҳаббатим - мен учун бир-бирини зиёрат қилганларга. Вожиб бўлди муҳаббатим - менинг йўлимда сарф-харажат қилганларга»...

Бир куни Сарвари олам, жаноби Пайғамбаримиз саҳобаларга айтдилар: «Эргашинг менга, менинг билан юринглар. Бани Воқифни зиёрат қиламиз. Бечора кўзи ожизлиги туфайли келолмаган», деб кўзи кўр бир одамнинг зиёратига боришибди. Иброҳим ибн Нашид айтадилар, «Иброҳим ибни Нашид, Абдуллоҳ ибн Хорис, Ибни Жазид, Забаби разиоллоҳу Анҳунинг ҳузурларига кирдилар. Ҳузурларига киришганда ўзлари ўтирган кўрпачани олиб, ҳалиги келганларнинг - Иброҳимнинг олдига қўйдилар. «Эй, нима қилаяпсиз?» деганларида:

- Кимки келган одамни ҳурмат қилмаса, у Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассалламнинг ва Иброҳим алайҳиссаломнинг қавмидан эмас», - дедилар.

Кўп нарса ниятга боғлиқлигини тушунайлик. Бир Ҳадисда айтиляпти, «Ҳар бир қилаётган ишингиз, ниятингизга боғлиқ», дейишади. Бир одам бир меҳмонга, хориждан келган кишига ярим эгилган ҳолда мулозамат билан салом берибди. Буни кўрган ҳалиги хорижлик меҳмон, «Сенинг саломинг ҳаром бўлди, бутга сиғингандек менга таъзим қилдинг. Куфрга кетиб қолдинг» дебди. Буларнинг ёнидаги учинчи одам айтди-ки, «Эй меҳмон, бу одамнинг нияти тўғридир, сизни ҳам меҳмон, ҳам олимлигингизни ҳурматлаб, таъзим қиляпти. Сизни ё Худо ё бут деб таъзим қилаётгани йўқ», деб жавоб берган экан. Мусулмон чопон кийиб, бел боғлаб турса Худонинг тақдирига қаршилик қилаётгани йўқ, ота-бувасидан қолган удум, ўзбекчилик таомили юзасидан ҳам миллий, ҳам тарбия либосини кийиб турибди. Бир жойда ўтириб намоз ўқиш суннатлари хусусида амри-маъруф қилиб ўтирсак, уч-тўртта соқол қўйган андишасиз ёшлар келди-да:

- Мана шу ўтиришингиз ҳаром, бу ўтиришинглар бўлмайди. Сизлар ундоқ бўлинглар, - деб кетишди. Отаси тенги, буваси тенги одамлар ибодатга шайланиб турибди. Ҳаммамизни беҳурмат қилиб, ер қилиб кетди. Баъзи одамлар фиғони ошиб, «бор-эй», деб ҳам юборишди. Шунчалик беодоб бўласизми? Сизни ким айтади, мусулмон деб. Илмли, фикрли қариями, отасими, бувасими таҳқирлаб, уларнинг ибодатларини нотўғри, деб, шу ишни мусулмончиликдан деб бўладими?

Қани андиша? Қани ҳурмат? Биродарларга диндорнинг ҳурмати қани? Диндошларга ҳурмати қани? Ана шундай андишасизликдан ўзимизни-ўзимиз ёмон отлиқ қилиб қўямиз. Динимиздан бошқаларни бездириб қўямиз. Исломга яхши йўллар билан, юмшоқ даъватлар билан, ҳеч кимни таҳқирламаган ҳолда чақирилади. Илоҳи, ҳаммамизга инсофу тавфиқ берсин...

Қариганида киши ёш боладек беғубор, эътибор-парваришга муҳтож бўлиб қолишади. Шу кезларда уларга музқаймоқни ҳам илитиб беришдан эринмайлик. Илоё, топганингиз дуо бўлсин.

● «MAHALLA» МУШТАРИЙСИ

БИЗ УНДАН КЎП НАРСА ЎРГАНАМИЗ

«Mahalla» газетаси бизнинг оиламизга кириб келганига унча кўп бўлгани йўқ. Тўғриси, аввалроқ кўчадан газета сотиб олаётганда ёки обуна бўлаётганда бу нашр кўпам ёдимизга тушавермас эди.

Менда журналист бўлиш орзуси пайдо бўлгандан кейин мамлакатимизда чиқаётган ҳар бир газетага эътибор қарата бошладим. Ва шубҳасиз «Mahalla»ни нега шу пайтгача назардан четда қолдириб келганим учун ачиндим. Сабаби... Тўғриси, сабабини худди мен каби бу газетага эътибор бермай келиб, сўнг уни қўлига олган ҳар бир муштарий буни яхши ҳис қилади.

Газетанинг ҳар бир сонидан ўрин олган Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг панду маслаҳатларини ўқиб, бир нарсани ўйлайман: нега ҳар бир шариат номидан гапирадиган имом-хатиблар шу хилда фикр юритмайдилар? Нега бошқалар ҳам газетада бўлмаса-да йиғинларда, амримаъруфларда Ватан, халқ, истиқлол тақдирининг муқаддаслигидан маъруза қилмайдилар? Тўғри, амри- маъруф Оллоҳ ва унинг муқаддас ислом дини таълими нуқтаи назаридан айтилади. Ахир Оллоҳ сўзида, муборак ҳадисларда бу каби юрт, инсоний туйғуларга ҳам катта ўрин берилган-ку. Бу албатта муаллиф Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг сўзларида ҳам эътироф этиладики, бу ўз ўрнида одамларимиз орасида ўз сўзларини ўтказиб юрган имом-хатибларимизга сабоқ бўлади, албатта.

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деган нақл бор. Газета саҳифаларида ёритилаётган турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни худди шундай маънода қабул қиламиз. Айниқса, газетанинг «Суд ҳукми - кечиккан чора» рукни мени ўзининг фалсафийлиги билан ўйлантириб қўйди. Шунда шу рукндаги суд хулосаларигача олди олинмаган кўнгилсизликларнинг қурбони бўлаётган одамлар тақдири зора бошқаларга ўрнак бўлса, дейман. Зотан, газетанинг мақсади ҳам шу. Хуллас, «Mahalla»нинг бир мухлиси сифатида унинг саҳифаларидан кўнглимиз тўлади. Лекин шу билан бир қаторда, нега унинг ҳар бир сони республикамизнинг чекка-чеккасигача етиб бормаётганидан ачинаман. Бунинг сабаби иккита деб ўйлайман: биринчиси газета саҳифаларида қишлоқ маҳаллалари ҳаёти кам ёритилади. Иккинчидан, ҳалигача қишлоқларда матбуот тарқатиш, обуна уюштириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Қишлоқдошларимизда ҳам бунга қизиқиш кам.

Шаҳноза МАҲМУДОВА.
Ғузор тумани.

«ЧИЛЛА» НИМА?

Биз чилла сўзига оид ибораларни тез-тез тилга олиб турамиз. Хўш, «чилла» атамаси замирида қандай мазмун яширинган?

Аслида «чилла» атамаси «чил» сўзидан олинган бўлиб, «қирқ» деган маънони билдиради. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланиб, шундан 20 куни кичик чилла, 40 куни эса тўлиқ, катта чилла дейилади.

Она ва унинг чақалоғи ҳаётининг туғруқдан, келин-куёв турмушининг никоҳдан, марҳумнинг вафотидан кейинги илк даврларга нисбатан ҳам чилла атамаси қўлланилади. Шунингдек, бефарзанд аёлни чиллага солиб, 40 кун давомида ташқарига чиқармасдан бахши боққан даврга нисбатан ҳам бу сўз ишлатилади.

Чиллали келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланиб, гўё туғмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин деб тушунилган. Шунингдек, уйига бефарзанд аёл қадами тегса, келинчак бола кўрмайди, деб ирим қилинган, бу удум «чилла тушди» деб аталади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Компьютер сабоқлари болалар диққат-эътиборини жамлашдан ташқари, уларнинг ўзини ҳам бирлаштиради.

● МАҲАЛЛА ЧОЙХОНАСИДАГИ ҲАНГОМАЛАР

ҲАЖВЧИНИНГ ҚИСМАТИ

Ўттиз йил муқаддам Саидмурод Саидаҳмад Тошкент чинни буюмлари корхонасида ишлаб юрарди. Ишқибозликми, Худо берган талантми ўзича қатра хандалар машқ қилиб юрарди.

Бундан хабар топиб, «Табассум» радиожурналида қатра хандаларидан намуналар эшиттирдик.

Улардан бири эсимда:

- Она нонушта пайтида ўғлига стаканга чой қуйиб беради. Ўғли стаканда чой ичмаслигини айтади.

Пиёла тақчил пайт, хуноби чиққан она, газета ўқиб ўтирган эрига:

- Ўғлингизни қаранг, стаканда чой ичмайман, деяпти! - дейди.

Ота:

- Ўғлингга айт, эркалигини бориб чинни заводдагиларга қилсин, магазинда пиёла бўлмаса қаердан оламиз! - деб жавоб беради.

Қатра хандани эшитган ўша вақтдаги Енгил саноат вазири корхона директорига, директор эса корхонадаги барча раҳбар ходимларни йиғиб, Саидмурод ишлайдиган бадиий безак бўлими раҳбарига дашном беради:

- Ўша сиз доимо ёнини олиб юрадиган «Муштум»чи болангиз, кеча «Табассум»да ҳаммамизни расво қилибди. Шахсан вазиримиз ўзлари эшитибдилар. Эрталабки вазирлик йиғинида эшитадиганимни эшитдим. Йўқотинг ўша «ёзувчингизни».

Шунга ўхшаш яна қатор нордон сўзларни эшитган бўлим бошлиғи ҳаваскор ижодкорни чақириб:

- Катта ёзувчи бўлиб, ўз ишхонангизни танқид қиладиган бўлиб қолдингизми? - дебди.

- Сиз ўзи «Табассум»ни эшитдингизми?

- Мен эшитмасам ҳам вазир эшитибди. Эрталабдан пешингача вазирликда, пешиндан кейин ҳозиргача заводда сиз ҳақингизда гап. Сизни деб қачонгача гап эшитаман?!

Саидмурод «Табассум»даги танқид эмас, бадиий асар эканлигини, Тошкент чинни заводи ҳатто тилга олинмаганини, чиннини битта Тошкентда эмас, кўплаб жойларда ишлаб чиқарилишини тушунтирмоқчи бўлибди.

Бошлиқ, индамай, тушунса ҳам тушунмагандай бўлиб, хўрсиниб дебди: - Менга қара, мен сени ўғлимдек яхши кўришимни биласан, бир ўғлимга сени исмингни қўйганимни ҳам биласан. Шу битта хандангга «Табассум»дан неча пул оласан?! Мен сенга икки баробар бераман! Қанча ёзсанг олиб келавер... Қўй, бошингни оғритиб юрма!

Меҳрибон устоз Мунаввар опа Қодированинг самимий сўзларидан таъсирланган Саидмурод, мийиғида кулиб, эътироз билдирмай қўяқолди... Онадек азиз бўлиб қолган опани ҳижолат қилмасликнинг бирдан-бир йўли, корхонадан кетиш, деб билди. Ҳажвчининг аччиқ қисматидан қўрқмади, ижод қилишдан қайтмади.

Ҳозир Саидмурод Саидаҳмад бир неча китобнинг муаллифи.

Қуйида унинг ижодидан намуналар ўқийсиз.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Соқивой данғиллама тўй қилмасидан аввал ҳар куни чойхонамиздан нари кетмас эди, тўйдан кейин кўринмай қолди.

- Кўрингандан қарз олиб тўй қилган экан, энди кимни кўрса «пулини» сўрамасин, - деб панада юрган эмиш.

***

Кеча яна Боқивойнинг хотини маҳаллага жанжал қилиб чиқибдими?

- Йўқ! Бу сафар қайнонаси чиқибди.

***

- Дўстим, нега кейинги кунларда маҳалламиздаги наҳор ошларида кўринмай қолдинг?

- Докторлар менга саҳарлаб туриш ўрнига саккиз соат мириқиб ухлашим лозимлигини айтишган эди.

***

Ота урушқоқ ўғлини койиб деди:

- Ҳалитдан маҳаллада ном чиқарганингни биласанми?

- Йўқ, унчалик эмас, маҳалламиздаги номдор профессор, машҳур артистлар олдида мен ким бўлибман, дада! - дебди ўғил.

Саидмурод САИДАҲМАД.

● ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ВАСВАСА

Бахтиёр Мирзахонов айни қирчиллама ёшида ўлим жазосига ҳукм этилди. Садоқатли умр йўлдоши бева ва бир-биридан ширин уч нафар фарзанди отасиз бўлиб қолди.

Агар Бахтиёрнинг умр йўлига назар ташласак, ҳамма болалар каби Бахтиёр ҳам туғилганда беғубор, дилкаш чақалоқ эди. Уни нафақат онасию падарибузруквори, балки бошқалар ҳам кўрса ҳавас қилар, суюб ардоқларди. Ана шу ардоқли бола вақт ўтиши билан улғайиб, мактабга борди. Тенгқурлари каби ўқиди, ўрганди ва ниҳоят қўлига етуклик аттестатини олиб, мустақил ҳаётга қадам ташлади.

Ҳаёт уни турли синовларга, қийинчилигу оғирликларга дучор этди. Доимо ота-онасию яқин кишилари ардоғида юрган Бахтиёр эса бунга кўниколмади. Буни сезган ота-онаси уйлантириш йўли билан унинг ҳаётга бўлган муҳаббатини оширмоқчи бўлишди. Аммо бу ҳам қаҳрамонимизга таъсир этмади. У боягидек ҳаётдан фақат ноз-неъматлару қувончлар кутардию, унинг меҳнатидан қочарди.

Ҳаш-паш дегунча уч нафар фарзандли бўлса ҳам одамларга ўхшаб бирор жойда ишлай, оиламу бола-чақамни боқай, демади. Фақат ўзини ўйлади. Энг ачинарлиси, ичкиликка ружу қўйган. Ейиш-кийишгагина эмас, балки нафси учун ароқ ичишга ҳам яқин одамларидан садақа сўрайвериб жонларига тегди. Оила аъзоларининг топган-йиққанларини ичиб, тугатгани етмаганидек, қариндошлари, ҳатто укасининг хотинининг уруғларидан ҳам ичкилик учун пул сўраб боришдан ор қилмайдиган бўлди.

- Алишержон, жон Алишержон, - деди бир куни у келинининг акасига. - Яримта ароққа қарз бериб туринг. Томоғим қақраб кетаяпти, ичмасам бўлмайди!

Алишер унга раҳм қилди. Бир томони қудачилик...

Лекин Бахтиёр пулни оларга олиб, нафсини қондирдию, лекин қарзини қайтаришни хаёлига келтирмади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, яна қарз сўраб туришни канда қилмади.

Кунларнинг бирида Алишер Холматов Андижонга хизмат сафарига кетди. У тез-тез шунақа сафарга бориб турар, бундай пайтларда хотинини отасиникига бориб туришга кўндирарди. Бу сафар Дилфуза эрини кузатдию, негадир отасиникига бормай, уйида қолди...

- Ассалому алайкум кеннойи! - деб ёлғиз қолган Дилфузанинг уйига кириб келди Бахтиёр. Алишернинг хизмат сафарига кетганини эшитгач, «яримтага» етадиган қарз бериб турса кетишини билдирди.

- Кечирасиз, - деди Дилфуза. - Бу гал менда ҳам пул йўқ эди...

- Ўнда қорним оч, овқат пишириб берсангиз...

Бахтиёрнинг сур бўлиб айтган бу гапи Дилфузанинг ғашини келтирган бўлса ҳам, индамади. Овқатга уннаб кетди. Бир пайт «меҳмон»нинг жавон устида турган тилло узугини олиб чўнтагига солаётганини кўриб қолди.

- Ие, нима қилаяпсиз, узукни жойига қўйинг!

- Бермайман, менга ароққа пул керак.

- Э, йўқ, бунақаси кетмайди! Эркак кишимисиз? Пул топсангиз, ичинг-да. Менинг узугимни сотиб ичгани уялмайсизми?

Дилфуза шундай дея узукни қайтариб олмоқчи бўлди. Бундан Бахтиёрнинг ғазаби жўш урди.

- Бермайман!

- Берасан, қани бермай кўргин-чи!

- Мана бўлмаса!

Бахтиёр шундай дея нарироқда турган магнитафонни олиб, Дилфузанинг бошига урди. Бечора аёл шу заҳотиёқ ҳушидан кетиб йиқилди. Бахтиёр эса электр симини олиб, у билан аёлни бўғиб ўлдирди... Кейин жасадни судраб ваннахонага олиб кирди-да, устидан сув қуйди. Жиноятнинг изини ёпмоқчи бўлиб газни очди. Шам топиб, ёқиб ошхонага қўйди. 25 минг сўмлик тилла узук, 20 минг сўм ва 500 АҚШ долларини олиб жуфтакни ростлади...

Васвасага тушиб қолган қотил кунларнинг бирида ҳовли ўртасида ўзига-ўзи:

- Эй Худо, мен қилган ишимни Алишерга қандай айтаман? Энди унинг кўзига қандай қарайман? - дея гапириб юрганини қизи Нафиса эшитиб қолади ва онасига айтади. Лекин онаси бу гапга беэътибор бўлади. Афтидан эрининг шу қадар тубанлашиб кетганига, қотиллик қилишгача бориб етганига ишонмайди...

Одам ўлдириб қўйганидан кейин кўзи очилган қотил қилмишидан виждони қийналар, васвасага тушарди.

- Адам, - дейди қотилнинг қизи Нафиса суд мажлисида, - қариндошларимиз Дилфуза опани ўлдириб кетишибди, дейишганидан кейин бутунлай ўзгариб қолдилар. Ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. Ўзлари билан ўзлари гаплашадиган одат чиқардилар.

Ҳа, қотилни марҳуманинг хуни тутарди. У нима қиларини билмасди. Алишер ҳам Бахтиёрдаги ўзгаришни сезарди. У билан гаплашай деса, ҳушёр пайтида учратолмасди. Кунларнинг бирида қараса, Бахтиёр сал ҳушёрроқ ўтирибди.

- Бахтиёр, менинг хотиним ўлдирилган куни қаерда эдинг?

- Сизнинг уйингизда!

- Нима?

- Ҳа, худди шундоқ. Дилфузани мен ўлдирганман. Энди эса қилмишимдан пушаймонман. Кечиринг...

Қотилнинг кўргазмалари гувоҳлар, ашёвий далиллар ва суд тиббий экспертизаси хулосалари билан тўлиқ исботланди. Ичкиликка ружу қўйган қотил олий жазо - ўлимга маҳкум деб топилди.

Мурод КАЛОНХОН.
журналист.

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши Жалолқудуқ тумани Қатортол маҳалласи оқсоқоли Сайдулло Йўлдошевга умр йўлдоши Иноятхон опанинг оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Эълон

ТУГАТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Миробод туман 8 март кўчаси 57-уйда жойлашган «Quyuvchilar» ва «Автосозлашқисм» шўъба корхоналари тугатилади.

Эълон

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

ЙВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220

Топширилди—20.30